




**NAPP**

NATIONAL AGENCY  
OF PERSPECTIVE PROJECTS

# ҲИСОБОТ 2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР  
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ



# Мундарижа

Кириш .....	3
I. Кripto-активлар айланмаси соҳасини тартибга солиш .....	5
II. Капитал бозори соҳасини тартибга солиш .....	9
III. Суғурта соҳасини ривожлантириш ва тартибга солиш .....	16
IV. Электрон тижорат соҳасини тартибга солиш .....	23
V. Халқаро ҳамкорлик .....	26
VI. Малака ошириш, коррупцияга қарши кураш .....	27

2024 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодийнинг барқарор ўсиши давом этди.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг асосий стратегик мақсади мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга кўмаклашиш бўлиб қолмоқда.

Ўтган йили биз крипто-активлар айланмаси, суғурта, капитал бозори ва электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш йўлидаги ишларни давом эттирдик.

Агентлик фаолияти иқтисодийнинг тартибга солинаётган тармоқларини диагностика қилиш, улардаги муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқишга қаратилди.

Бу борадаги ишлар жараёнида рақамлаштириш, илғор хорижий тажрибани жорий этиш, мамлакатимизда сармоявий ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Капитал бозорида инвесторлар ва акциядорлар, айниқса, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида урғу берилди.

Аҳолининг суғурта бозорига ишончини ошириш мақсадида суғурта тўловларини назорат қилиш, адолатсиз рақобатнинг олдини олиш бўйича ишлар кучайтирилди.

Турли “молиявий пирамидалар”, киберфирибгарликка қарши кураш, аҳолининг рақамли ва молиявий саводхонлигини оширишга кўмаклашиш биз учун муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Агентлик томонидан амалга оширилаётган ишлар самарасида барча йўналишларда фаоллик ўсишини ҳамда унинг тартиблагганини кузатиш мумкин.

Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистонни крипто-активлар айланмаси соҳасини энг илғор тартибга солувчи, Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи давлат деб аташ мумкин.

Фонд биржасида савдолар ҳажми, қимматли қоғозлар эмиссияси, мажбурий суғуртага риоя қилиш даражаси сезиларли даражада ошди, шунингдек, электрон тижоратнинг жадал ўсиши кузатилмоқда.

Шу билан бирга, капитал бозори, суғурта, электрон тижорат ва крипто-активларни янада такомиллаштириш бўйича кўп ишлар қилиниши керак

Агентлик давлатимиз раҳбари раҳнамолигида манфаатдор давлат органлари ва хусусий сектор вакиллари билан яқин ҳамкорликда Ўзбекистон молия бозорини ривожлантириш, илғор ва инновацион тажрибаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасидаги ишларни изчил давом эттирмоқда.

Истиқболли лойиҳалар  
миллий агентлиги  
**Директори**



**Д.Р. Ли**



# I. КРИПТО-АКТИВЛАР АЙЛАНМАСИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

## 1.1 Ўзбекистон Республикасида крипто-активлар айланмаси соҳасини янада ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш

2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан крипто-активлар айланмаси соҳасини янада ривожлантириш ва Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Крипто-активларнинг ноқонуний айланмаси ва ноқонуний майнингга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида крипто-активларнинг яширин бозори ҳажмини қисқартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 январдаги ЎРҚ-899-сон “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таъминланди.



Ушбу Қонун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик (крипто-активлар билан ноқонуний операцияларни амалга ошириш), шунингдек, ноқонуний майнинг ва яширин майнингни амалга оширганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини белгилайди.



### Қонун расман 2024 йил апрель ойида кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизмат кўрсатувчи провайдерлар турларидан бирининг фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш мақсадида Майнинг-пул фаолиятини амалга ошириш қоидалари тасдиқланди (рўйхат рақами 3507, 2024 йил 20 март).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг “Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга оширишга лицензиялар берилганлиги учун давлат божи миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 3584, 2024 йил 17 декабрь) рўйхатга олинди. Илгари хизматлар провайдерларининг крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятига лицензия берилганлиги учун давлат божи ундирилиши Агентликнинг 2022 йилда тасдиқланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилар эди.

## 1.2 Кripto-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш

2024 йилда крипто-активлар айланмаси соҳаси лицензиялаш механизмлари ва давлат бюджетига тушумларнинг фаол такомиллашуви билан бирга барқарор ривожланиш динамикасини намоён этди.

Ҳисобот даврида крипто-депозитарий фаолиятини юритиш учун битта лицензия берилди.

Шу билан бирга, 6 марта лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлиб, шундан 3 та ҳолатда фаолият ихтиёрий равишда тўхтатилиб, 3 та ҳолатда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги сабабли лицензиянинг амал қилиши тўхтатилган.

Шунингдек, юридик манзили ўзгарганлиги сабабли 3 та лицензия қайта расмийлаштирилган, 1 та лицензия лицензиатнинг аризасига кўра бекор қилинган.



2024 йилда крипто-активлар айланмаси соҳасида хизмат кўрсатувчи провайдерлар томонидан 2,38 миллиард сўм миқдорида давлат божи ва фаолиятни амалга оширганлик учун 7,9 миллиард сўм миқдорида йиғимлар тўланган. Жами 2022-2024 йилларда мамлакатимиз Давлат бюджетига крипто-активлар айланмаси соҳасида хизмат кўрсатувчи провайдерлардан 50,2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ тушди.

Хизмат кўрсатувчи провайдерлар фаолиятини самарали ташкил этиш натижасида 80 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Бу соҳада янги иш ўринларининг пайдо бўлиши юқори технологияли соҳаларда ривожланишга интилаётган мутахассислар учун истиқболларни очиб беради, шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодий фаолликни оширишга ёрдам беради.

Netherlands	Central, Northern & Western Europe (CNWE)	32	44	50	27	28
Uzbekistan	Central & Southern Asia and Oceania (CSAO)	33	46	40	30	26
Uganda	Sub-Saharan Africa	34	64	57	12	31
Bangladesh	Central & Southern Asia and Oceania (CSAO)	35	27	23	50	41
Colombia	Latin America (LATAM)	36	23	22	45	54
Italy	Central, Northern & Western Europe (CNWE)	37	38	37	37	37
Belarus	Eastern Europe	38	43	34	39	40
Australia	Central & Southern Asia and Oceania (CSAO)	39	41	48	36	34
Taiwan	Eastern Asia	40	42	39	38	42
Saudi Arabia	Middle East & North Africa (MENA)	41	45	53	31	30
Peru	Latin America (LATAM)	42	36	31	48	43
Algeria	Middle East & North Africa (MENA)	43	34	29	46	53
Egypt	Middle East & North Africa (MENA)	44	32	32	52	60
Yemen	Middle East & North Africa (MENA)	45	57	43	43	39
Ghana	Sub-Saharan Africa	46	33	35	67	57
Malaysia	Central & Southern Asia and Oceania (CSAO)	47	51	47	57	45
Dem. Rep. of Congo	Sub-Saharan Africa	48	90	87	28	27
Serbia	Central, Northern & Western Europe (CNWE)	49	58	59	49	44

“Chainalysis” халқаро компанияси томонидан ҳар йили эълон қилинадиган Кристо-активларни қабул қилишнинг 2024 йилги глобал индексига мувофиқ Ўзбекистон 33-ўринни эгаллади ва шу тариқа Европа Иттифоқининг кўплаб давлатлари (Италия, Португалия, Швейцария, Бельгия, Австрия, Швеция, Эстония, Дания ва бошқалар), БАА, Сингапур ва Австралия, шунингдек, Беларус, Қозоғистон, Грузия, Қирғизистон, Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон ва бошқа давлатларни орда қолдирди.

Умуман олганда, мазкур индекс “Chainalysis” томонидан дунёнинг 151 мамлакатидан олиб борилган тадқиқот ва таҳлилларни қамраб олади.

### 1.3 Кристо-активлар айланмаси соҳасидаги операцияларни мониторинг қилиш, шунингдек улардан ноқонуний мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш механизмларини яратиш ва жорий этиш

2024 йилда дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва кристо-активлардан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни мониторинг қилиш механизмларини жорий этиш соҳасида хизматлар кўрсатувчи “Crystal Blockchain” (Нидерландия) ва “Chainalysis” (Сингапур) халқаро компаниялари билан ҳамкорликни мустақамлаш бўйича ишлар олиб борилди.

Хусусан, Агентлик томонидан ушбу компанияларнинг “Heemera” («Crystal» учун) ва “PaeLegal Uzbekistan” (“Chainalysis” учун) ҳамкор компаниялари орқали Ўзбекистон Республикасида расмий фаолиятини ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, кристо-активлардан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни мониторинг қилишнинг ишчи механизмини таъминлаш мақсадида Агентлик “Chainalysis” воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун қўлга киритди. Шундай қилиб, “Chainalysis” компанияси кўмагида кристо-активлар транзакциясини мониторинг қилиш тизими яратилди.

Ушбу чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кристо-активлар билан боғлиқ операциялар бўйича тергов-суриштирувлар доирасида тегишли оператив ходимларнинг самарадорлиги ва малакасини ошириш мақсадида “Crystal” ва “Chainalysis” билан тезроқ ва самарали ҳамкорлик қилиш имконини беради.



## Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги махсус тартибга солиш режими сектори фаолияти ("Тартибга солиш қумдони" махсус режими)

2024 йил декабрь ҳолатига Крипто-активлар айланмаси соҳасида тартибга солиш махсус режими доирасида инновацион ечимларни жорий этишга қаратилган бир қатор пилот лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қуйида "Тартибга солиш қумдони" режими доирасида амалга оширилаётган лойиҳа ташаббусларнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

**1. ".UZ" домен зонасидаги номлар учун маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияси ("блокчейн") асосида NFT-сертификатларини жорий этиш (Ягона интегратор – UZINFOCOM).**

Пилот лойиҳа доирасида бугунги кунга қадар умумий қиймати 29,3 млн. сўмлик 1000 дан ортиқ NFT-сертификатлари яратилди.

**2. "CRYPTO CARD-UzNEX" ("Oktobank" AJ) банк картаси маҳсулоти виртуал банк картасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.**

Пилот лойиҳасини амалга ошириш давомида 140 дан ортиқ банк карталари муомалага чиқарилиб, уларнинг нақд пул айланмаси 10 000 АҚШ долларидан ортиқни ташкил этди.

**3. "Token.uz" универсал маълумотларнинг тақсимланган реестрини (блокчейн платформаси) ишлаб чиқиш ва жорий этиш (Ягона интегратор – UZINFOCOM).**

2024 йилда "Token.uz" платформаси "Openinfo.uz" Ягона корпоратив ахборот портали фаолиятига тўлиқ интеграцияланган бўлиб, маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияси ("блокчейн") ёрдамида йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларни сақлаш имкониятига эга бўлди. Тажриба лойиҳасини амалга ошириш бўйича жами молиявий кўрсаткичлар 28 млн. сўмни ташкил этди.

**4. Блокчейн таҳлили ҳамда ўғирлик, фирибгарлик, товламачилик ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар натижасида йўқотилган крипто-активларни қайтариш ("HEEMERA" MChJ).**

2024 йилда "Heemera" ўғирлик, фирибгарлик ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар натижасида йўқотилган крипто-активларни қайтариш бўйича 60 дан ортиқ сўровларни кўриб чиқди. Ушбу иш давомида шубҳали фаолият ва транзакциялар билан боғлиқ марказлаштирилган биржалар ва крипто-ҳамёнларнинг турли ҳисобварақларида қиймати 500 млрд. сўмдан ортиқ крипто-активлар блокланди ва 2,9 млрд. сўмдан ортиқ маблағ муваффақиятли қайтарилди.

## II. КАПИТАЛ БОЗОРИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

### 2.1 Капитал бозори соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида капитал бозорини ривожлантириш, унинг самарадорлиги, шаффофлиги ва қулайлигини оширишга қаратилган фаол ишлар олиб борилмоқда. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг ушбу соҳадаги ваколатли давлат органи сифатида белгиланиши муҳим босқич бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сонли тегишли қарори қабул қилинган кундан бошлаб Агентлик томонидан норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, замонавий тартибга солиш механизмларини жорий этиш ва капитал бозори иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган бир қатор муҳим ислоҳотлар ташаббус қилинди.

Агентлик томонидан қисқа вақт ичида 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ташаббус қилинди, жумладан:



– 2 та Ҳукумат қарори ва 4 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди;

а) Вазирлар Маҳкамасининг 2 та қарори:

- 2024 йил 27 апрелдаги 238-сонли “Қимматли қоғозлар бозорида мижозларни масофавий рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори;
- 2024 йил 13 июндаги 331-сонли “Якка тартибдаги инвестиция ҳисобварағини очиш ва ундаги маблағларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори;

б) 4 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат:

- “Капитал бозори соҳасида “Тартибга солиш қумдони” махсус ҳуқуқий режимини тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқ (рўйхат рақами 3493, 2024 йил 29 январь);
- “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖ ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқ (рўйхат рақами 3523, 2024 йил 28 июнь);
- “Акциядорлик жамиятлари ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режасини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқ (рўйхат рақами 3559, 2024 йил 28 июнь);
- “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари”га (рўйхат рақами 2000-10, 2024 йил 7 июнь) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг асосида “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ нинг 50 миллиард сўмлик “яшил” корпоратив облигацияларининг биринчи чиқарилиши рўйхатдан ўтказилди;



– Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизимига 1 та Президент қарори, 2 та қонун лойиҳаси ва 1 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат киритилиб, белгиланган тартибда келишиш босқичида:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси (идоралараро маъқуллаш, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди);
- белгиланган тартибда барча зарур тартиб-қоидалардан ўтган ва Вазирлар Маҳкамасига киритилган “Капитал бозори тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси;
- янги таҳрирдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси (идоралараро маъқуллашдан ўтган ва жамоатчилик муҳокамаси яқунланмоқда);
- “Акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишида ва хўжалик жамиятларининг бошқарув органлари мажлисларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва электрон овоз бериш тартиби” лойиҳаси (идоралараро тасдиқлаш босқичида).

## 2.2 Таҳлилий материалларни тайёрлаш ва таклифлар киритиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига халқаро тажрибани чуқур ўрганишга асосланган кенг қамровли таҳлилий материаллар ва стратегик таклифлар юборилди:



- илғор халқаро тажрибани ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида оффшор зоналар рўйхатини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар;
- рўйхатга олиш жараёнлари самарадорлигини ошириш учун мўлжалланган қимматли қоғозларни чиқаришда “облигациявий дастур” механизмини (shelf-registration) амалга ошириш бўйича батафсил таҳлилий маълумотлар;
- малака имтиҳонлари ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг касбий тайёргарлиги даражасини ошириш соҳасидаги қонунчилик ва илғор халқаро тажрибани ўрганишга бағишланган чуқур таҳлилий шарҳ.

Илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, Траст фонди шаклидаги “Gold ETF” фондиди тажриба тариқасида, унинг акцияларини муваффақиятли жойлаштириш меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, “Қимматли қоғозлар бозори ахборот-ресурс маркази” ДУК, Марказий депозитарий ва “Тошкент” фонд биржасида амалга ошириладиган операцияларни ҳисобга олувчи тарифлар қайта кўриб чиқилди.

Шунингдек, жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва бошқа муҳим маълумотларни SMS ва/ёки электрон почта орқали узатиш тартибини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

KPMG халқаро консалтинг компанияси билан биргаликда Ягона корпоратив ахборот порталини такомиллаштириш бўйича техник топшириқ тайёрланди ва порталда аналитик маълумотларни автоматик тарзда шакллантириш ҳамда манфаатдор шахсларга маълумотларни тақдим этиш имкониятлари бўйича тегишли чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Қимматли қоғозларни бошқариш самарадорлигини ва халқаро стандартларга мувофиқлигини ошириш мақсадида Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти (IOSCO) тамойилларига мувофиқ қимматли қоғозларни сақлаш, ҳисобга олиш ва ҳисоб-китоб қилиш тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб қилиш ва динамик, барқарор ва шаффоф капитал бозорини шакллантириш шароитида Bloomberg молиявий-иқтисодий ахборот агентлигининг Ўзбекистон фонд бозорининг ИТ-инфратузилмаси билан интеграциялашуви яқунланди, бу эса бутун дунё бўйлаб Bloomberg терминаллари фойдаланувчиларига “Тошкент” Республика фонд биржасида сотилаётган акция ва облигациялар бозори тўғрисида маълумот олиш имконини беради.

## 2.3 Эмитентлар фаолиятини оптималлаштириш



2025 йил бошида Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори фаол ўсишни кўрсатди, буни эмитентлар сони ва муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажмининг ўсиши ҳақидаги маълумотлар тасдиқлайди.

2025 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда умумий эмитентлар сони 723 тани, муомаладаги қимматли қоғозларнинг умумий қиймати эса 216,68 трлн. сўмни ташкил этади. Чиқарилган облигациялар ҳажмига тўхталадиган бўлсак, 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1,9 трлн. сўмлик облигациялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган.

2024 йилда 29,89 трлн. сўмлик 208 та қимматли қоғозлар эмиссияси рўйхатга олинган бўлиб, 3,26 трлн. сўмлик қимматли қоғозлар Қимматли қоғозлар эмиссиясининг ягона давлат реестридан чиқарилди.

## 2.4 Капитал бозори соҳасида профессионал фаолиятни тартибга солиш

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори соҳаси ривожланиши кейинги даврларда лицензиялар ва малака сертификатларини бериш динамикасида ўз ифодасини топмоқда.

2023 йил 1 октябрдан 2025 йил 1 январга қадар:



- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун 5 та янги лицензия берилди, 11 та лицензия қайта расмийлаштирилди;
- жисмоний шахсларга қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш учун 102 та малака сертификати (шулардан 46 таси I-тоифа; 56 таси II-тоифа) берилди.

## 2.5 Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аниқланган ҳуқуқбузарликларга таъсир қилиш чоралари

Агентлик томонидан 2024 йил давомида акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, акциядорлик жамиятлари томонидан қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича фаол ишлар амалга оширилди. Бу борадаги ишлар давомида кўплаб муурожаатлар кўриб чиқилди, судга даъво аризалари киритилди, ахборотни ошкор қилиш масалалари бўйича текширувлар ўтказилди. Бажарилган ишларнинг асосий натижалари қуйида келтирилган.



2024 йил давомида 703 та муружаат, шундан 54 таси юридик шахслардан, 649 таси жисмоний шахслардан келиб тушди. Мазкур муружаатлар кўриб чиқилиши натижасида акциядорлар фойдасига 2 млрд. сўмдан зиёд маблағ, шундан юридик шахслар фойдасига 1 млрд. 550 млн. сўм, жисмоний шахслар фойдасига 500 млн. сўм ундирилди.

*Маълумот учун: 2023 йил 1 октябрдан 2025 йил 1 январгача жами йиғилган маблағлар 3 млрд. 250 млн. сўмни ташкил этди.*

Бундан ташқари, муружаатчилар манфаатида уларнинг акциялари бўйича ҳисобланган дивиденд пулларини ундириш ҳақида судларга 20 та даъво аризалар киритилиб, натижада акциядорларнинг 3 млрд. 610 млн. сўмдан зиёд дивиденд пулларини ундириш ҳақида суд ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

Шунингдек иккита ҳолатда судлар акциядорлик жамиятларига миноритар акциядорларнинг акцияларини бозор қийматида қайтариб сотиб олиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги ҳал қилув қарорларини қабул қилди.

Ягона корпоратив ахборот портали ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz))да акциядорлик жамиятлари, яъни 24 та эмитент, шу жумладан, 6 та тижорат банки томонидан муҳим фактлар ва молиявий ҳисоботларни белгиланган муддатларда жойлаштирмаслик ҳолатлари аниқланиб, маъмурий баённомалар тузилди ва белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун суд органларига юборилди.

## 2.6 Openinfo.uz ягона корпоратив ахборот порталининг функцияларини модернизация қилиш ва такомиллаштириш

Ўзбекистон фонд бозори иштирокчилари учун маълумотлардан фойдаланиш қулайлиги ва имкониятини яхшилаш мақсадида бир қатор муҳим рақамли ташаббуслар амалга оширилди.

а) Ягона корпоратив ахборот портали (Openinfo.uz) ва “Тошкент” Республика фонд биржаси (Uzse.uz) веб-сайтлари ўртасида интеграция амалга оширилди;

б) Openinfo ягона корпоратив ахборот портали орқали эмитентлар тўғрисида керакли маълумотларни қидириш ва юклаб олиш имконини берувчи махсус Telegram-бот “openinfouz\_bot” ишга туширилди.

в) “Қимматли қоғозлар бозори ахборот-ресурс маркази” ДУК Ўзбекистон Миллий банки билан ҳамкорликда инвесторлар учун fondbozori.uz веб-сайтидан қулай фойдаланиш имкониятини яратди;

г) Openinfo порталида “Тошкент” Республика фонд биржасида операцияларни амалга оширишда харажатларни ҳисоблаш учун “Тарифлар калькулятори” ишга туширилди.

## 2.7 “Тошкент” РФБ АЖ фаолиятини такомиллаштириш

“Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисида низом”га (рўйхат рақами 1919, 2009 йил 9 март) тегишли ўзгартириш киритиш натижасида йирик шартномавий битимларни амалга ошириш имконини берувчи “Free of Payment Board” янги савдо майдончаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, ташкилий тузилма ва комиссия тарифлари бозор шароитларига мос равишда қайта кўриб чиқилди. Натижада, капитал бозори иштирокчилари ўртасида амалга ошириладиган операцияларнинг тарифларини пасайтирилишига эришилди, шаффофлиги таъминланди, савдо ҳажми 22 трлн. сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 18,7 трлн. сўм - “FoP Board” майдончаси орқали.

## 2.8 “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖ фаолиятини такомиллаштириш

“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖ фаолиятини такомиллаштириш доирасида бозор иштирокчилари учун молиявий операцияларнинг самарадорлиги ва қулайлигини оширишга қаратилган асосий ташаббус ва инновациялар жорий этилди.

“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш, банклараро тўлов тизими иштирокчилари ўртасида электрон тўловларнинг белгиланган вақт давомида узлуксиз амалга ошириши имконияти яратилди, шунингдек унинг “SWIFT” тизимига уланиши таъминланди;





“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖнинг 2024 йил 8 июлдаги 63-Р-сон буйруғи билан чет-эл номинал сақловчиларга хизмат кўрсатиш вақтинчалик тартиби тасдиқланди.

Хўжалик жамиятлари бошқарув органлари йиғилишлари ва мажлисларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш мақсадида (ПҚ-291-сон қарори йўл харитасининг 20-банди ижроси бўйича) “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖ билан биргаликда “Акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишида ва хўжалик жамиятларининг бошқарув органлари мажлисларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва электрон овоз бериш тартиби” лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Қимматли қоғозлар даромадлари (дивидендлар, фоизлар) тўловларини амалга ошириш мақсадида “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖ томонидан мижозларнинг банк ҳисобларига ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш дастури ва UzCSD мобил иловаси тест режимида ишга тушурилди.

## 2.9 Капитал бозори соҳасида салоҳиятни оширишга доир тадбирлар

2024 Агентлик томонидан фонд бозори инфратузилмасини ривожлантириш, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва инвестиция фаоллигини оширишга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилди ва амалга оширилди.

Учрашувлар, давра суҳбатлари, конференция ва семинарлар давомида қуйидаги асосий йўналишлар кўриб чиқилди:



- IPOни тайёрлаш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш, акциядорлик жамиятларининг хабардорлигини ошириш;
- ипотека қимматли қоғозлар (RMBS) бозорини ривожлантириш;
- индивидуал инвестиция ҳисобларини жорий этиш ва рағбатлантириш;
- “Капитал бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ва қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришларни муҳокама қилиш;
- ислом молиялаштириш воситаларини, шу жумладан сукук ва “яшил” сукукни жорий этиш.

Тадбирларда халқаро молия институтлари ва ташкилотлари, назорат қилувчи органлар вакиллари ҳамда бозорнинг профессионал иштирокчилари иштирок этди.

Тадбирлар давомида ишлаб чиқилган муҳокамалар натижалари ва ташаббуслар Агентлик фаолиятида ҳисобга олинди ва миллий капитал бозорининг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда.

## III. СУҒУРТА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ

Агентлик томонидан 2024 йил давомида Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ривожлантириш, суғурта соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, суғурта бозори профессионал иштирокчилари томонидан соҳага оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда суғурта хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан жадал ишлар амалга оширилди.

### 3.1 Суғурта бозори ҳолати




2024 йил 31 декабрь ҳолатига кўра мамлакатимизда жами 33 та суғурта ташкилоти мавжуд бўлиб, уларнинг 5 таси ҳаёт суғуртаси, 28 таси умумий суғурта соҳасида фаолият юритган.

Суғурта бозори 2024 йилда барқарор ўсишни намойиш этди, буни асосий молиявий кўрсаткичлар тасдиқлайди.

**СУҒУРТА МУКОФОТЛАРИ ДИНАМИКАСИ**


трлн. сўм



Йиғилган суғурта мукофотлари миқдори 9,8 трлн. сўмга етди, бу 2023 йилнинг шу кўрсаткичидан 21 фоизга кўпдир. Ўсиш суғурта хизматларига талабнинг ортиши ва янги суғурта маҳсулотларининг фаол ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

**СУҒУРТА ТЎЛОВЛАРИ ДИНАМИКАСИ**

трлн. сўм



Тўланган суғурта тўловлари миқдори ўтган йилга нисбатан 9 фоизга ошиб, 2,2 трлн. сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич суғурта ҳолатлари сонининг ўсиши ва даъволарни қоплаш механизмларининг такомиллаштирилганлигини акс эттиради.

Суғурталовчиларнинг жами активлари 11,8 трлн. сўмга етиб, 2023 йилга нисбатан 24,9 фоизга ўсди. Бу ўсиш суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги, инвестиция портфели ошгани ва мижозлар ишончи ортгандан далолат беради.

2024 йил давомида 10 млн. га яқин суғурта шартномаси тузилди. Бу кўрсаткич аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг суғурта қопламаси кенгайганлиги, суғурта қопламасининг аҳамияти тўғрисида хабардорлик даражаси ошганидан далолат беради.

Бозорнинг умумий ўсиши инновацион суғурта ечимларини фаол жорий этиш, давлат томонидан тартибга солишни кучайтириш, шунингдек, рақамли технологиялар ва онлайн суғуртани ривожлантириш билан боғлиқ.

## 3.2 Суғурта бозори соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш

Суғурта бозорида қонунчиликни такомиллаштириш унинг барқарорлигини, шаффофлигини ошириш билан бирга барча иштирокчилар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, улар ишончини мустаҳкамлаш, ошкораликни ошириш ҳамда инвестиция учун қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда Агентлик томонидан замонавий бозор талабларига жавоб берадиган, унинг барқарор ривожланишига кўмаклашувчи самарали ва мутаносиб ҳуқуқий муҳитни яратишга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, 2024 йилнинг 1 март куни суғурта соҳасини ривожлантириш ва тартибга солишга оид устувор вазифалар белгиланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-108-сон қарори қабул қилинди.

Қарор ижроси доирасида қуйидагилар амалга оширилди:

- Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди;

- Агентлик директорининг:

Суғурталовчиларга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3512, 2024 йил 10 май);

Суғурталовчилар томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги (рўйхат рақами 3549, 2024 йил 13 август);

Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг, шунингдек махсус унвонга эга бўлган ходимларнинг давлат мажбурий суғуртасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги (рўйхат рақами 3568, 2024 йил 4 ноябрь);

“Суғурта хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (рўйхат рақами 3571, 2024 йил 11 ноябрь) буйруқлари рўйхатдан ўтди;;

- қуйидаги норматив меъёрий ҳужжатлар ўрнатилган тартибда қабул қилиниши жараёнида:

“Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси;

“Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси;

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 1 мартдаги ПҚ-108-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори лойиҳаси;

Агентлик директорнинг Суғурталовчилар рейтингини аниқлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси;

- Суғурта бозори инфратузилмасини кенгайтиришга қаратилган қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилиб, Президент Администрациясига киритилди:

- иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни фақатгина ҳаётни суғурта қилиш соҳасида лицензияга эга суғурта ташкилотлари томонидан амалга ошириш;
- юридик шахсларнинг кўчмас мулкни табиий ва техноген офатлардан мажбурий суғурта қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;
- такафул тамойилларини ва маҳсулотларини босқичма-босқич жорий этиш;
- юклатилган суғурта турларини босқичма-босқич кенгайтириш;
- “Яшил суғурта” (Green insurance) маҳсулотларини жорий этиш;
- ихтиёрий тиббий суғуртанинг қамровини ошириш ва янада ривожлантириш;

- Ўзбекистон ақутарийлар жамияти ва Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси билан биргаликда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тури бўйича суғурта тарифлари актуар ҳисоб-китобларга асосан қайта ишлаб чиқилди (таклифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилди).

### 3.3 Суғурта соҳасини рақамлаштириш

Суғурта бозорини рақамлаштириш ва унинг шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш доирасида суғурта шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва полисларни электрон шаклда беришни таъминлайдиган янги рақамли ечимлар жорий этилди.

2024 йил 1 сентябрдан бошлаб суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта шартномаларини Ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш ва суғурта полисларини электрон шаклда расмийлаштириш тизими йўлга қўйилди (йил якунлари бўйича 7,0 млн. дана электрон суғурта полислари расмийлаштирилди, шулардан 1,8 млн. та ихтиёрӣ ва 5,2 млн. та мажбурий суғурта турлари бўйича) ва суғурта ташкилотларининг фаолиятини масофадан назорат қилиш тизими яратилди.



Солиқ қўмитаси, транспорт, камбағалликни қисқартириш ва бандлик, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа идоралар билан имзоланган технологик йўриқномалар асосида суғурта шартномалари расмийлаштирилиши учун зарур маълумотлар доимий равишда ўзаро алмашинилиши таъминланди.

Юқоридаги идораларнинг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали қамров даражаси паст бўлган 4 та мажбурий суғурта турлари бўйича Агентликнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида (<https://service.e-osgo.uz>) суғурта шартномаларини ўз вақтида онлайн расмийлаштирилиши йўлга қўйилди.

### 3.4 Суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш



Агентлик ўз фаолиятида суғурта хизматлари сифатини ошириш, шаффофликни таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта аҳамият беради.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан мурожаатлар тўғридан-тўғри ҳамда бошқа ташкилотлар орқали келиб тушмоқда. 2024 йил давомида Агентликнинг Суғурта бозорини ривожлантириш Департаменти томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг жами 4648 та мурожаати кўриб чиқилиб, улардан 2193 таси қаноатлантирилиб, 34,6 млрд. сўм миқдоридан суғурта товони тўланиши таъминланди.

### 3.5 Суғурталовчилар фаолиятининг пруденциал меъёрларга мувофиқлигини таъминлаш

Агентлик ходимлари томонидан суғурталовчилар фаолиятининг пруденциал меъёрларга мувофиқлиги юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижасида қонунчилик талабларини бузганлик учун 12 та суғурта ташкилотига нисбатан жами 826 млн.сўмлик жарима санкциялари қўлланилди, 5 та суғурта ташкилотлари аризаларига биноан уларнинг лицензиялари бекор қилинди.

Суғурта фаолиятига доир қонунчилик талабларини бузганлик учун, шу жумладан ажратилган активлар миқдорига қўйилган меъёрга амал қилинмаганлиги сабабли 1 та суғурта ташкилотининг лицензияси суд қарорига асосан 6 ой муддатга тўхтатилди.



Шунингдек, 1 та суғурта ташкилотининг лицензияси унинг мурожаатига кўра 6 ой муддатга тўхтатилди. Бундан ташқари 8 та суғурта ташкилотининг лицензиялари амал қилиши 10 кун муддатга тўхтатилди.

### 3.6 Суғурта бозори профессионал иштирокчилари фаолиятини ташкил этиш

2024 йилда Агентлик томонидан суғурта брокери фаолиятини амалга ошириш учун 2 та лицензия ҳамда 4 та ақутарий малака сертификати берилди.



## IV. ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Агентлик томонидан 2024 йилда электрон тижоратни тартибга солиш соҳасида, биринчи навбатда, қонун ҳужжатларини инвентаризация қилиш, бозор эҳтиёжларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва мавжуд тўсиқларни бартараф этишга оид таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, миллий инфратузилмани такомиллаштиришга доир Ўзбекистонда электрон тижорат бозорини ривожлантириш бўйича комплекс стратегия шакллантирилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ-381-сон қарори билан электрон тижоратни тартибга солиш ва ривожлантириш соҳасидаги вазифа, функция ва ваколатлар Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига ўтказилди.

Белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун Агентлик томонидан бозорнинг профессионал иштирокчилари, ишбилармон доиралар вакиллари, аҳоли, хорижий инвесторлар иштирокида мавжуд муаммо ва соҳа ривожига тўсқинлик қилаётган тўсиқлар юзасидан фикр-мулоҳазалар олиш мақсадида кўплаб учрашувлар ўтказилди.

Хусусан, “Apple”, “Google”, “Amazon”, “WeChat”, “AliPay”, “Ozon”, “Yandex”, “Uzum” va “Zoodmall” хорижий компаниялари вакиллари ҳамда хорижий инвесторлар билан учрашувлар ўтказилди.

Республикада илгари юридик шахс ёки ваколатхона ташкил этмасдан фаолият юритиб келган “Yandex”, “Ozon”, “Wildberries”, “Wolt” каби хорижий электрон савдо майдончалари фаолиятини маҳаллийлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида мазкур компаниялар Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлди ва миллий қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ тўлай бошлади.

2024 йил бошидан буён 10 дан ортиқ йирик халқаро компаниялар Ўзбекистонда ваколатхоналарини очди. Бунинг натижасида давлат бюджетига 160 млрд. сўмдан ортиқ солиқ тўловлари тўланиши таъминланиб, электрон тижорат соҳасида яқка тартибдаги тадбиркорлар сони 55 фоизга ошди.

## 4.1 Электрон тижорат соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш

2024 йилда электрон тижорат соҳасини тартибга солиш ва ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 885-сон қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжат асосида Солиқ кодексига, шунингдек, “Электрон тижорат тўғрисида”ги ва “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиришлар киритилади. Ушбу ўзгаришлар электрон тижоратни янада ривожлантириш, бозор шаффоғлигини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Қарор билан қуйидагилар белгиланди:

- электрон тижорат операторлари (электрон савдо платформаси, буюртмалар агрегатори ва рақамли стриминг хизмати операторлари) сифатида фақат юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари фаолият юритиши мумкинлиги;
- электрон шартнома ёки битимлар орқали ҳеч қандай мажбуриятлар олмайдиган, фойдаланувчиларга ўзининг ахборот ресурси ёки платформаси орқали товар (иш, хизмат) ҳамда рақамли маҳсулотлар ҳақида маълумот ёки ахборот бериш билан чекланадиган юридик шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркор электрон тижорат оператори ҳисобланмаслиги.

Шу билан бирга, 2025 йил 1 июлдан бошлаб:

- электрон тижорат операторлари фаолиятини амалга ошириши учун хабардор қилиш тартибини жорий этилиб, талаблар ва шартлар киритилиб, электрон тижорат субъектлари реестри юритилади;
- электрон тижорат операторлари, электрон тижоратда сотувчи бўлган юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, электрон тижоратда сотувчи ёки буюртма асосида товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи ёхуд йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолиятини амалга оширувчи ўзини ўзи банд қилган шахслар (кейинги ўринларда — ўзини ўзи банд қилган шахслар) электрон тижорат доирасида ҳисоб-китобларни фақат алоҳида банк ҳисобварақларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади.
- ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг электрон тижорат доирасидаги фаолияти натижасида пул маблағлари тарзида олинган даромадлари ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг банк картаси бириктирилган алоҳида банк ҳисобварағида ҳисобга олинади;
- ўзини ўзи банд қилган шахснинг алоҳида банк ҳисобварағига тушадиган маблағлар суммаси товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан олинган даромадларни аниқлашда ўзини ўзи банд қилган шахсни айланмадан олинадиган солиқни тўловчи сифатида тан олиш учун фойдаланилади.

Таъкидлаш жоизки, Агентлик томонидан халқаро тажрибани ўрганиш ва маҳаллий бозор таҳлили асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида мазкур қарорда қуйидагилар белгиланган:

- буюртма асосида товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи ёки йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолиятини амалга оширувчи ўзини ўзи банд қилган шахсларга, истисно тариқасида:



- товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиси ёки электрон тижорат субъектининг ҳисобварағига маблағларни кейинчалик инкассация учун ҳисобдан чиқариш учун ўзини ўзи банд қилган шахснинг алоҳида банк ҳисобварағига маблағларни олдиндан жойлаштиришга;

- етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўлов сифатида нақд пул қабул қилишга, бунда алоҳида банк ҳисобварағидан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчисига ўтказилган маблағларга тенг миқдорда нақд пулни инкассация қилмасдан ўз ихтиёрида қолдиришга рухсат берилсин;

- электрон савдо платформалари орқали товарларни экспорт қилишда юридик шахсларга, якка тартибдаги тадбиркорларга ва ўзини ўзи банд қилган шахсларга электрон савдо платформалари, хусусан, хорижий электрон савдо платформалари орқали сотилган товарларни курьерлик ва почта жўнатмалари орқали хорижий давлатлардаги ўз харидорларига, шу жумладан, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида шартномаларни рўйхатдан ўтказмасдан юборишга рухсат берилсин.

Бунда электрон савдо платформалари Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ахборот тизимлари билан белгиланган тартибда интеграция қилиниши лозим.



## V. ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

2024 йилда Агентлик халқаро ҳамкорликни фаол ривожлантириш, глобал ва минтақавий ташкилотлар, назорат қилувчи органлар, халқаро банклар ва ривожланиш бўйича ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлашни давом эттирди.

IOSCO, IAIS ва AAOIFI билан ҳамкорлик доирасида капитал бозорини тартибга солиш, суғурта ва исломий молиялаштириш соҳасидаги халқаро ташаббусларда Ўзбекистон мутахассисларининг иштироки таъминланди. Агентлик IOSCO га аъзоликни қабул қилиб, ихтисослаштирилган тренингларда иштирок этиб, таҳлилий маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди, бу эса ходимларнинг малакасини ошириш ва қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилди. “Капитал бозори тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда IOSCO экспертларининг ёрдамидан ҳам фойдаланилди.

БМТТД, ОТБ, ЕТТБ, ХМК, ИТБ, АҚШ Қимматли қоғозлар комиссияси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг кўмагида тартибга солувчи ислохотлар ва малака ошириш дастурлари амалга оширилмоқда.

“Остона” халқаро молия маркази ва Беларус Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Халқаро рейтинг агентликлари (Moody's, S&P, Fitch), инвестиция банклари (JP Morgan, Citi Group) ва “Катта тўртлик” (Deloitte, PwC, EY, KPMG) вакиллари билан учрашувлар ўтказилди.

2024 йил давомида халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида халқаро ҳамкорлар билан ҳамкорликда қатор ўқув тадбирлари, давра суҳбатлари ва хорижий ташрифлар ташкил этилади.

Бу тадбирлар Ўзбекистоннинг жаҳон молия тизимига интеграциялашувига, миллий бозорга ишончни мустаҳкамлашга ва сармоявий жозибadorлигини оширишга хизмат қилмоқда.



## VI. МАЛАКА ОШИРИШ, КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

### 6.1 Xodimlarning malakasini oshirish va o'qitish

2024 йилда Агентлик ходимларининг касбий савиясини ошириш мақсадида мамлакатимизда ва хорижда қатор ўқув тадбирлари ташкил этилди. Мавзулар тегишли соҳаларнинг кенг доирасини қамраб олди: рақамли ва исломий молиядан корпоратив бошқарув ва барқарор ривожланишга.

Ички дастур миллий ва халқаро экспертлар иштирокида рақамли технологиялар, ислом молияси, қимматли қоғозлар бозори ва барқарор молия (шу жумладан, Solvency II) мавзуларини қамраб олган семинар ва тренинглари ўз ичига олган. Тренинг Агентлик ходимлари ҳамда бошқа бошқарма ва ташкилотлар вакиллари иштирокида онлайн ва офлайн форматларида ўтказилди.

Агентлик БМТ Тараққиёт Дастури билан биргаликда ихтисослаштирилган тадбирлар, жумладан “Иқлим ўзгариши ва табиий офатлар хавфини молиялаштириш”, “Solvency II директивасига кириш” мавзуларида тренинглари, “Такафул суғурта тизимини таҳлил қилиш ва уни Ўзбекистон Республикасида жорий этиш бўйича тавсиялар” мавзусида давра суҳбати, шунингдек, Жакартада (Индонезия) “Суғурта ва таваккалчиликни молиялаштириш механизминини амалга ошириш” мавзусида семинарлар ташкил этилди.

Шу билан бирга, Агентлик ходимлари халқаро ҳамкорлар - IOSCO, FATF, Жаҳон банки, БМТТД, ЖСТ ва бошқа ташкилотлар кўмагида хорижда малака оширдилар. Дастурлар молиявий тартибга солиш, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, рақамли ва яшил молия, сунъий интеллектдан фойдаланиш ва замонавий суғурта ечимларига қаратилган. Жанубий Корея, Швейцария, Япония, Туркия, Қозоғистон, Арманистон, Қирғизистон, Уммон, Индонезия, Россия ва Грузия каби давлатларда ўқув тадбирлари ўтказилди ва бу халқаро тажрибани амалиётга татбиқ этиш ва идоралараро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилди.

### 6.2 Коррупцияга қарши кураш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш

2024 йилда Агентлик томонидан коррупцияга қарши ички тизимни мустаҳкамлаш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича ишлар давом эттирилди. Фаолиятнинг шаффофлиги ва ҳуқуқий барқарорлигини оширишга қаратилган 2024 йилга мўлжалланган Коррупция хавфи харитаси ва Коррупцияга қарши курашиш дастури тасдиқланди.



Коррупцияга қарши дунёқарашни шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонунчиликка риоя этиш тизимини ривожлантириш мақсадида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, юридик таълим йўналишлари вакиллари ҳамда Агентлик ходимлари иштирокида маърифий тадбирлар – тренинг ва семинарлар ўтказилди. Мавзулар учун жавобгарликнинг қонунчилик жиҳатлари, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ва ички назоратга замонавий ёндашувларни қамраб олди.

Профилактика доирасида ходимлар учун масофавий таълим ташкил этилиб, юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бартараф этиш чоралари кўрилди. Агентлик фаолиятида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ахлоқий меъёрларни мустаҳкамлашга қаратилган мунтазам муҳокама ва тушунтиришлар ўтказилди.

